


Танамиздаги қўриқчилар



11:00 / 12.02.2021 2010

(бешинчи мақола)

Жигаримиз.



Жигар инсон организмидаги юракдан кейинги асосий аъзо ҳисобланади. Унинг вазифалари жуда кўп. Аллоҳ таолонинг фазли билан жигар одам тана ҳарорати меъёрда бўлишини назорат қилади. Жигарда жуда кўп кимёвий реакциялар содир бўлади. Уни беҳудага филтер, ёки «кимёвий завод» деб аташмайди. У одам организми, ҳаёти учун хавфли бўлган барча захарли моддаларни ичга ютади. Агар жигаримиз бўлмаса, оддий сув, сутдан ҳам захарланиб, ўша захоти ўлиб кетардик. Аллоҳ билгувчи. Жигар биз учун муҳим бўлган А, D, B12 витаминларини захирада сақлайди.

Буйрагимиз.



[Моддалар алмашинуви](#) натижасида ҳосил бўладиган чиқинди ва зарарли моддалар организмдан буйрак орқали чиқиб кетади. Шу билан бирга буйрак [организм](#) учун зарур миқдордаги [сув](#) ва [минерал](#) тузларни сақлаб, ташқарига чиқармай қўяди, организмнинг ички муҳитини таъминлайди. Буйрак сийдик билан биргаликда сийдикчил ([мочевина](#)), сийдик кислота, [тузлар](#) ва сувни чиқариб туради. Буйракда биологик фаол моддалар (ренин, простогландин ва бошқалар) ҳосил бўлиб, улар [қон](#) таркиби, [қон ивиши](#) ва [қон](#) босимини маромга солиб туради.

Буйракдан ўртача 1,5 л сийдик ажралиши учун организмдаги қон буйракдан бир кеча-кундузда ўртача 360 марта ўтиб, етарлича тозаланиб туради.

Буйрагимиз жуда ажойиб аъзо. У гармонлар ишлаб чиқаради, қонни филтрлайди, минералларни қабул қилади, пешоб ишлаб чиқаради ва соғлом кислотали-ишқорли балансни ушлаб туради.

Азизлар, инсон ана шундай мавжудотдир. Унинг тана аъзолари, уларнинг ишлаш жараёнлари, имкониятлари ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Уларнинг ҳар биридаги мукамаллик, аниқ тартиб-интизом уни Буюк Холиқ томонидан яратилганини кўрсатади. Биз ўзимизнинг тузилишимиз ҳақида кўпроқ тафаккур қилиб кўришимиз керак. Аллоҳ таоло бизнинг танамизга ато этган барча аъзолар аниқ ҳикмат билан яратилган ва уларнинг ҳар бири ўзига юклатилган вазифани адо этади. Ички ва ташқи аъзоларимиз,

улардаги хусусиятлар, моддалар бизни бу дунёда яшашимизга мослаб яратилган. Буларни ўқиб-ўрганиб борсак, ўзимиз ҳақимизда кўпроқ маълумотга эга бўламиз, бизни яратган Роббимизнинг қудратини, азаматини янада кўпроқ ҳис қиламиз. Ихлос билан ўрганган одам унда Аллоҳнинг борлигига, бирлигига далолат қилувчи кўплаб белгиларни, аломатларни топади.

Сўзимизни мана бу оятлар билан якунлаймиз:

نُورِضْ بُتَ الْفَأْمُكْسُفْنَ أَيَفَوَنِيْنِ قَوْمُ لِّلْأَيِّضْ رَأْلِ أَيَفَو

«**Ва ерда аниқ ишонувчилар учун оят(белги)лар бор. Ва ўзларингизда ҳам бор. Кўрмаяпсизларми?!**» (Зориёт сураси, 20-21-оятлар).

قَحْلٌ هُنَّ مُمْسِفْنَ أَيَفَوَقَافِئِلْ أَيَفَانْتِيْءٌ مَّهِيْرُنَسْ
دِيْهَشْ ءَيْشَلْ كَالْعَ هُنَّ كَبَّرَبِ فُكَيْ مَلَوَأ

«**Уларга ҳам уфқлардаги, ҳам ўзларидаги оят(белги)ларимизни яқинда кўрсатамиз. Токи, уларга унинг ҳақлиги равшан бўлсин. Роббинг ҳар бир нарсага шоҳид экани кифоя қилмасми?!**» (Фуссилат сураси, 53-оят).

Аллоҳ таоло бу оятда бизни ўраб турган борлиқда ва танамизда Ўзининг борлигига ва бирлигига далолат қиладиган далиллар, ишораларни келажакда намоён қилишини баён этипти. Ушбу далиллар, ишораларни ўрганган ва улар ҳақида тафаккур қилганларга Қуръони Каримнинг ҳақлиги ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳақ пайғамбарликлари ойдинлашади.

Аллоҳ таоло барчамизни Ўзининг ҳидоятидан айирмасин ва хотимамизни чиройли қилсин!

Фойдаланилган манбалар:

Quran.ksu.edu.sa

Islom.uz

<https://quran-m.com/>

<http://www.muslim.uz/>

tib.islom.uz

<http://islamonline.uz/>

qomus.info

www.aljazeera.net

acoustic.uz

uz.wikipedia.org

ar.wikipedia.org

medlife.uz

ru.wikipedia.org

www.dw.com

hordiq.uz

fsh.uz

translate.google.com

www.chem21.info

<http://twasul.info/>

<https://www.tebtime.com/>

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади